



КИЧИК МАКТАБ ЁШИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ТАФАККУР ЖАРАЁНЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

И.А.Хасанова

ЖДПУ стажёр ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7339056>

ARTICLE INFO

Received: 08th November 2022

Accepted: 15th November 2022

Online: 19th November 2022

KEY WORDS

Глобаллашув, педагогик
технология, инновация,
интерфаол метод,
дунёқараш, ишбилармонлар
ўйини.

ABSTRACT

Мазкур мақолада бугунги глобаллашув жараёнига хос таълим технологияларидан фойдаланиш масалалари ёритилган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал

ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури Бугунги кунда янгича ижодий фикрлайдиган, юқори малакали, юксак маданиятли педагогларни тайёрлаш жамиятимиз олдида турган асосий вазибаларидан биридир. Ёшларни баркамол инсон бўлиб етиштиришларида



таълим-тарбия жараёнларидаги ислохатларни янада кучайтириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълим концепсиясида шахсни билим олишга бўлган ички эҳтиёжини ҳосил қилиш ва уни ўқишга ўргатишга, ички тажрибаси, ҳис-туйғулари, тафаккурига катта эътибор қаратилган. Бу борадаги ишларнинг аҳамиятлилигини Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов қуйидагича таъкидлаган эди: «Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устивор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз». [1-48].

Демак, таълим тизимига янгиликларни олиб кириш замонавий педагогик технологияларидан унумли фойдаланиш бугунги кун таълими олдида қўйилган муҳим вазифалардан биридир

Дарҳақиқат, интерфаол усуллар таълим жараёнининг унумдорлигини оширади, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш жараёнини шакллантиради, талабаларда билимга иштиёқ ва қизиқишни оширади, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларни шакллантиради.

Демак, таълим тизимига янгиликларни олиб кириш замонавий педагогик технологияларидан унумли фойдаланиш бугунги кун таълими олдида қўйилган муҳим вазифалардан биридир

Интерфаол усуллар таълим жараёнининг унумдорлигини оширади, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш

жараёнини шакллантиради, талабаларда билимга иштиёқ ва қизиқишни оширади, билимларни мустаҳкам ўзлаштириш, улардан амалиётда эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларни шакллантиради.

Шуни таъқидлаш керакки таълим инсон билиш фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, индивидуал психик ривожланишни ва билимларни ўзлаштиришни анча тезлаштиради. Ўқитувчи таълим жараёнида фақат билим бериш билан чегараланмайди, балки бу жараёнда ўқувчига таъсир кўрсатади. Бу эса уларнинг билим олишларини янада фаоллаштиради. Натижада, талаба таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Таълимдаги ютуқлар, энг аввало, ўқитувчига боғлиқ. [2.65,]

Бугунги кунда таълим жараёнига ахборот технологияларни қўлланилиши жадаллашмоқда ва бу таълим жараёнини янада сифатли ташкил этишга таъсир кўрсатаётгани кўзга ташланмоқда. Шунинг учун ҳам таълим жараёнида интерфаол методларни қўллаш, таълим самарадорлигини ошириш учун тинимсиз изланиш бугунги куннинг эҳтиёжига айланди, талабаларнинг ўқиш мотивларини ўстиради.

Инновация (Innovation) янгилик яратиш, янгиликдир. Демак анъанавий таълимдаги каби бир ҳил шаблонлар асосида эмас балки, янгиликлар асосида таълим жараёнининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган иш шаклидан фойдаланиш инновация демакдир. Таълимда педагогик технологияларга асосланиш ва инновацияга интилиш, ўқувчиларни тафаккур хусусиятларини



шаклантиришга қаратилган турли интерактив методлардан фойдаланиш таълим мақсадини самарали амалга оширишга ёрдам беради.[3.84,]

Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчи (ўқувчи, талабалар)да мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

Инновациялар ўз навбатида қуйидагилар билан боғлиқ бўлади:

- Янги мавзуни қабул қилиш;
- Янги жараёнларни олиб кириш;
- Ривожланиш майдонини янги мазмуни;
- Биргаликдаги ҳаракатнинг янги ташкилий шакллари;
- Янги бошқарув;
- Янги маҳсулот кабилар.

Шу сабабли ҳам ҳозирда педагогик инновацияни яхлит мураккаб жараён сифатида қаралиб, унинг интерфаол сифатлари, тарбиявий қисмлари, функционал тавсифи ва узвийлиги изчил тадқиқ қилинмоқда. Бу борада биз инновацион таълим технологияларидан психология фанларини ўқитишда фойдалансак ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш белгиланган талаблар даражасида шаклантириш имконини беради.

Демак, ўқувчилар тафаккурини – илм-фан, техника-технология, маънавият, маориф, санъат ва шу кабиларни ривожлантириб, уларнинг ҳозирги

ҳолатини янги сифат босқичига кўтариш дегани экан. Бугунги кунда ана шундай натижаларни қўлга кирита оладиган мутахассисларни тайёрлаш ўта масъулиятли ва долзарб эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, замонавий мутахассисларнинг асосий вазибаларидан бири ҳам улар ўзларининг интеллектуал салоҳиятини жамият тараққиёти савияларга мос ҳолда мунтазам равишда юксалтириб боришдан иборатдир.

Бунинг учун таълим жараёнини ташкил этишда ўқувчилар фан асосларини мукамал ўзлаштиришлари учун таълим жараёнида фаол иштирок этишлари ва уларни қизиқиз билан ишлашларига имкон берувчи самарали усулларидан фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчилар тафаккур хусусиятларини шаклантиришда ишбилармон ўйиндан фойдаланиш юқори натижаларни беради. Педагогик технологиянинг асосий жараёни ўқув-тарбия машғулотлари,яъни ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги педагогик мулоқот кўринишида амалга оширилади.[4.29,]

Ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланишда талабаларнинг мустақил, ижодий ва амалий иш бажариш қобилиятлари намоён бўлади ҳамда ривожланади. Олдин эгаллаган билим ва кўникмаларни бойитиш, янги вазиятларда қўллаш имкониятлари очилади.

Ишбилармонлик ёки ролли вазиятли ўйинлар – муаммоли вазибаларнинг бир туридир. Фақат бу ўринда матнли материал ўрнига ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият саҳналаштирилади.



Ишбилармонлик ва ролли вазиятли ўйинлар ўқув усули сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

Ўргатувчи: умумтаълим маҳоратни шакллантириш; ижодий қобилиятни ўстириш; шу жумладан: янги вазиятларни тушунтириш, аниқлаш ва таҳлил қилиш;

Ривожлантирувчи: мантиқий тафаккурни, нутқни, атроф-муҳит шароитига ўрганиш қобилиятини ўстириш;

Мотивацион: ўқувчиларни ўқув фаолиятига ундамоқ, мустақил хулосага келишгигина рағбатлантирмоқ;

Тарбиявий: маъсулиятни коммуникативликни шакллантириш.

Ўйин усуллари ва вазиятларини, машғулотларнинг белгиланган шаклида амалга ошириш қуйидаги асосий йўналишлар бўйича содир бўлади:

1. Дидактик мақсад талабалар олдида вазифа кўринишида қўйилади.
2. Ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсунди.
3. Унинг воситаси сифатида ўқув материалдан фойдаланилади.
4. Ўқув фаолиятига дидактик вазифани ўйинга айлантирадиган мусобақа элементини киритиш.
5. Дидактик вазифани мувофақиятли бажарилиши ўқин натижаси билан боғланади.

Ишбилармонлик ўйини ролли ўйиндан қандай фарқ қилади?

Ишбилармонлик ўйини иштирокчиларига ўйин сюжети таклиф этилади. Унда, баён қилинган ҳаётий вазият бўйича, иштирокчилар олдида фаолиятнинг битта умумий мақсади қўйилади: таклиф қилинган муаммони ечиш.

Шу билан бир вақтда, ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариш керак. Шунинг учун, ечимни ишлаб чиқиш жараёни индивидуал – гуруҳли характерга эга: ҳар бир иштирокчи, аввал ўзининг ролли мақсадига мувофиқ қарор қабул қилади, кейингиси гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ушбу шахсий ролли мақсадни бажарилиши бутун гуруҳ аъзоларининг натижаларига боғлиқдир. Одатда ишбилармонлик ўйини давомида муаммони ечиш бир нечта босқичда содир бўлади (2-3тадан 10тагача ўйини мобайнида).

Қатнашчилар фаолиятини баҳолаш якуний ва оралиқ даврдаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади.

Оралиқ баҳолаш ўйини давомида қатнашчилар фаолиятига таъсир кўрсатиш, олдида қўйган вазифаларни мустақил амалга оширишга имкон беради.

Якуний баҳолашда талабаларнинг ташкилий фаолияти ва улар томонидан ўйиннинг ролли мақсадларини бажарилишини ҳисобга олинади.

Натижаларининг кўрсатишича, талабалар илмий дунёқарашини юксалтиришга ишбилармон ўйинни қўллаш қуйидагича қатор таълимий афзалликларни қўлга киритиш имкониятини беради экан:

- Ўқитишнинг жодий муҳити яратилади;
- талаба сифатли ва ишончли ўқув-дидактик ва интеллектуал маълумотла рбилан таъминланади, яъни улар шуғулланаётган соҳаси бўйича ўзлари илм-фан ва техника-технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлади;



- ишбилармонлар ўйини барча турдаги ўқув машғулотида компьютер дастурларининг қўлланилишини аъминлашга имкони ятратлади;
- мустақил таълим олишларига шароит яратлади, яъни уларнинг касбий фаолиятида, мустақил ҳолда, билимлар эгаллашларида ишончли усуллардан бўлиб, ўзлаштириш лозим бўлган билим кўникма ва малакаларни шакллантиради. Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш бўлажак мутахассисларни ҳар томонлама шакллантиришга қаратилган бўлиб, метод орқали ўқув мақсадларига эришилади, объект фаолиятини субъект муносабатига алмашиши, фаоллаштириш ва натижани олдиндан кафолатини белгилашни таъминлаб беради.

Бундай ўйиннинг диққатга сазовор томони шундаки, бўлажак мутахассис ўз касбий фаолиятини такомиллаштиришга онгли ва ижодий ҳолатда ёндашади. Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш жойизки, ҳар томонлама етук шахсни шакллантириш бугунги кунинг асосий мақсад вазифаларидан бир бўлиб келмоқда. Албатта ҳар бир таълим олаётган талабага касбий йўналганлигидан келиб чиққан ҳолда қўлланилган, интерфаол метод ишбилармонлар ўйинидан фойдаланиш ижодийташкилий-педагогик фаолият бўлиб, унинг ёрдамида таълим-тарбия жараёнининг истиқболли ва самарали услубиятини яратиш ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» дақайд этилган рақобатбардош замонавий кадрларни тайёрлашга эришиш мумкин экан.

References:

1. Каримов И.А. “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз” – 7 чи том. – Тошкент: Ўзбекистон, 48...б.
2. Ш.М. Мирзиёев “Мақтаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур” Тошкент: 23. 08.2019 йил йиғилиш материалларидан 4.б.
3. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» G`G` Oliy ta'lim (me'yoriy huquqiy va uslubiy hujjatlar to'plami). – Toshkent: 2004. – 12 b.
4. Т.Ғаффорова “Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар”.-Тошкент 2011й-46-846